

Бадиий матнда паралингвистик воситаларнинг функционал-парагматик хусусиятлари ҳақида

Эшқуватов Жасур (СамДУ магистранти)

Аннотация

Ушбу мақолада биз қуйида паралингвистик воситаларнинг айримлари, уларнинг бадиий асар тилида қўлланиши ҳақида қисқача фикр юритганмиз. Зеро, паралингвистик воситаларнинг бадиий матнда тутган ўрнини аниқлаш бадиий асар тилини ўрганиш, ёзувчи индивидуал услубини, унинг нолисоний воситалардан фойдаланиш маҳоратини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Кишиларнинг ўзаро алоқаси табиийки, тил воситасида амалга оширилади. Алоқанинг қандай шаклда ва нутқнинг қандай кўринишида амалга ошишидан қатъи назар, унда тил бажарадиган энг муҳим ижтимоий вазифалар намоён бўлади. Кишиларнинг ўзаро муносабатга киришишида аввало, тилнинг алоқа, хабар функцияси намоён бўлади. Сўзловчининг коммуникатив мақсади қандай эканлиги, мулоқот жараёнида унинг қандай усул ва воситаларни қўллаши, қандай тил бирликларидан фойдаланишида тилнинг таъсир этиш вазифаси етакчилик қилади. Нутқ қаратилган шахсга фикрларнинг сўзловчи мақсадига мос ҳолда етказилиши ва мазкур мулоқотдан кўзланган прагматик самарага эришилишида, нутқнинг мазмун жиҳатдан маълум даражада мукамал бўлишида ёрдамчи сифатида бошқа нолисоний воситалар ҳам иштирок этади. Худди тил каби нолисоний воситалар ҳам фанлараро муаммо сифатида бир қатор фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Этнографлар нолисоний воситаларни маълум бир халқ, элат, миллатнинг кўп асрлик тарихи билан боғлиқ бўлган урф-одатлари, миллий-маданий хусусиятларини ифодаловчи ишоралар тарзида тушунсалар, психологлар учун нолисоний воситалар ўзаро мулоқот жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Психологлар нолисоний воситани иштирокчиларнинг ўзаро мулоқотга киришишида намоён бўлувчи психологик муносабатлари асосида тадқиқ этадилар. Тарихчилар нолисоний воситаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишини маълум бир халқ ўтмиши, тарихи билан боғлаб талқин қиладилар. Адабиётчилар эса уларга бадиий асар ғоясини, персонажлар характер-хусусиятларини очишга хизмат қилувчи восита сифатида муносабатда бўладилар.

Кўринадикки, замонавий илм-фанда етакчилик қилаётган антропоцентрик назария тамойилларига кўра нолисоний воситалар у ёки бу хусусияти билан турли фанларни ўзаро туташтириб туради.

Бугунги кунда паралингвистика фани нолисоний воситаларни тил ходисаларига, воситаларига боғлаб тадқиқ этадиган соҳа ҳисобланади. Паралингвистика атамаси грекча “тилга ёндош” маъносини ифодалаб, илк бор

А.Хилл томонидан тавсия этилган. Кейинчалик Й.Трейгер мазкур соҳага оид махсус асар ёзиб, унинг моҳиятини асослаб берган.¹

Паралингвистика - тилшуносликнинг ўзаро алоқа-аралашувида имо-ишора, мимика, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳаси.²

Паралингвистика рус тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан, туркийшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослигида аср охирида алоҳида фан сифатида шаклланди. Кейинчалик бу фан таъсирида этнопаралингвистика, парапсихоллингвистика каби соҳалар ҳам юзага келди.

Паралингвистика фани асосида инсон нутқий фаолияти ва унда иштирок этувчи нолисоний воситалар ётади. Мазкур фан нутқий жараёни прагматик нуктаи назаридан тадқиқ этади, нолисоний воситаларнинг нутқий жараёндаги иштирокини текширади, қўлланиш сабабларини аниқлайди ва коммуникатив мақсад, ифодалаётган фикр, прагматик самара нуктаи назаридан таҳлил қилади. Сўзловчи фикр ифодалаш жараёнида ўзининг қандай руҳий ҳолатда эканлиги, тингловчига етказмоқчи бўлган фикрларининг қандай мазмунда эканлигидан келиб чиқиб, турли тил бирликларидан фойдаланади. Ана шу жараёнда қўлланилувчи ҳар хил имо-ишоралар, кўз, қўл, бош, гавда ҳаракатлари, сўзлаш оҳанги нутқ қаратилган шахснинг сўзловчи фикрларини тез ва осон тушуниб олишига қўмаклашади. Улар тилшуносликда новербал воситалар деб юритилади ва нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда қандайдир бир маъно англатади, маълум бир вазифани бажаришга коммуникатив йўналтирилган бўлади. Шу туфайли паралингвистик воситаларни тадқиқ этишда новербал воситаларнинг қандай нутқий вазиятда иштирок этаётгани, англатган маъносини аниқлашга эътибор берилади. Нутқнинг этносоциопрагматик хусусиятларини аниқлаш бўйича кузатишлар олиб борган Ш.Сафаров ва Г.Тоировалар нолисоний воситаларни мулоқотнинг ички омили сифатида қарайдилар: ”Мулоқотнинг умумий моделида таркибий қисмлар ўз аксини топган. Шунга кўра уларни икки гуруҳга, яъни ташқи ва ички гуруҳларга ажратиш мумкин. Мулоқотнинг **ташқи омиллари** (таркибий қисмлари) мулоқотнинг мақсади, ундаги тингловчи ва сўзловчининг мақсади, мулоқот воқеланаётган шарт-шароит, вазият кабиларни киритиш мумкин. Чунончи, мулоқот мақсади мулоқот мазмунини белгилайди. Вазият унинг шаклини ва кўп ҳолларда мулоқотнинг ички таркибий қисми бўлган лисоний ва нолисоний омиллар табиати ва турларини белгилайди. Шундай қилиб, **мулоқотнинг ички омилларига:** лисоний ва нолисоний воситаларни киритишга тўғри бўлади”.³ Юқорида келтирилган фикрларга асосланадиган бўлсак, нолисоний (новербал) воситаларни мулоқот жараёнининг ажралмас қисми, дейиш мумкин. Уларни ўз навбатида сўзлашув нутқида ишлатиладиган турли имо-ишора ва ҳаракатлар билан биргаликда ва фақатгина нолисоний воситаларнинг ўзи қўлланадиган турларга ажратиш мумкин. Бадий асарларда персонажлар руҳий ҳолати, атрофдагиларга, нутқ қаратилган шахсга бўлган муносабатини очиб беришда

¹ Нурмонов .А Танланган асарлар.2- жилд –Т.: 2012. -215 б.

² Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.Б-68 .

³ Сафаров Ш., Тоирова Г., Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Самарканд, СамДЧТИ нашри, 2007. Б.34.

ёки воқелик фактларини баҳолашида турли нолисоний воситалардан фойдаланилади.

Бадий матнда паралингвистик воситалар турли услубий вазифаларни бажаради. Масалан, кўз ҳаракатлари ёрдамида қуйидаги маънолар ифодаланади:

Ҳайрат маъноси: *Йўз-е...-деди отам ясама ҳайрат билан кўзларини пирпиратиб.* (Л. Бўрихон “Жазирамадаги одамлар”)

Юқоридаги мисолда қўлланилган кўзларини пирпиратмоқ ҳаракати ёш болаларга нисбатан қўлланилганда айбдорлик маъносини ифодалайди. Бу ҳаракат катта ёшдаги кишиларга нисбатан ишлатилса, ҳайрон қолиш, ҳайрат маъноларини акс эттиради.

Бирор нарсани билдириш, ишора қилиш учун кўзини (одатда, биттасини) юммоқ (қисмоқ). *Гарчи йиғилганлар орасида луқмаларга битта-яримта кўз кисишиб ўтирганлар бўлса ҳам, кўпчиликнинг бошлари эгик эди.* (О. Ёқубов “Эр бошига иш тушса”).⁴

Кўз уриштирмоқ. Бир-бирига қараб олишмоқ. *Саксон ёшлиги нишонланаётган кун устозим бегона бир кампир билан кўз уриштирибди, ўша кампир бир қучоқ гул келтирган экан.* (Х. Тўхтабоев, “Ширин қовунлар мамлакатини”). *Иккаласи ўзаро маъноли-маъноли кўз уруштириб, менга аллақандай ҳайрат билан тикилиб қолишди.* (Л. Бўрихон “Жазирамадаги одамлар”)

Шу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, кўз уриштирмоқ ҳаракатида салбийлик семаси мавжуд. Бадий матнда бу ҳаракатни ифодалашда кўпинча муаллифнинг персонажлар хатти-ҳаракатига салбий муносабати сезилиб туради.

Тасдиқ, маъқуллаш маъносини ифодалайди: *Дилфуза кўз ишораси билан унинг гапини маъқуллади.* (Т. Малик “Алвидо болалик”)

Ҳурмат маъносини билдиради: *Лолахон қариндошининг қўлларини кўзига суртиб, енгилгина ўпиб қўярди.* (Л. Бўрихон “Жазирамадаги одамлар”)

Кучли руҳий ҳолат, мамнунлик, норозилик, чорасизлик ҳолатларини ифодалайди: *Гавҳаршод бегим кўндан бери кўрмаган ўғлини бағрига босганда кўзларида қувонч ёшлари йилтиради.* (П.Қодиров “Она лочин видоси”)

Пирмуҳаммад Мирзо сўнгги марта Самарқандга келганда бобоси у билан қучоқлашиб кўришган, кўзига ёш олиб:

–Сен худди аканг Муҳаммад Султонга ўхшайсен, илоё умринг ўхшамасин! – деган эди. . (П.Қодиров “Она лочин видоси”)

Ишора маъносини ифодалайди: *...меҳмонхона томон кўз учида ишора қилиб, “катталарга кўрсатма, тортиб олиб қўяди”, дея жиддий тайинлади.* (Л. Бўрихон “Жазирамадаги одамлар”)

Нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда бош орқали амалга ошадиган паралингвистик ҳаракатлар ҳам турли хил маъно нозикликларини ифодалаши мумкин:

Ваъда бериш маъносини билдиради: *Мен тантанали бош чайқаб, оғзимдан гуллаб қўймасликка ваъда бердим.* (Л.Бўрихон “Жазирамадаги одамлар”)

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.2-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.Б. 445 .

Инкор маъносини ифодалайди: *Манзура: керак емас, ичмайман дегандай бош чайқади.* (Т.Малик “Шайтанат”)

Норозилик маъносида қўлланилади: *-Барибир, унинг олишига ярамайди, - деди отам.* (Л. Бўрихон “Жазирамадаги одамлар”)

Саломлашиш маъноси ифодаланади: *Бош ирғаб саломлашишди.* (Т. Малик “Алвидо болалик”)

Иложсизлик, уялганлик маъноси ифодаланади: *Маржоний бошини қуйироқ эгди.* (О.Ёқубов “Адолат манзили”)

Гавда ҳаракати воситасида ҳам сўзловчининг нутқ қаратилган шахсга бўлган муносабати ифодаланади:

Асрор маданиятли киборлар каби бош эгиб, таъзим қилди. (Т. Малик “Алвидо болалик”) *Майор чўнтагидан пул олмоқчи эди, «қаттиқ хафа бўлишини» айтиб, қуллук қила-қила жойига қайтди* (Т. Малик “Алвидо болалик”) *Гавҳаршод бегим ўрнидан туриб, Шохруҳ Мирзонинг бу топширигини таъзим билан қабул қилди.* (П.Қодиров “Она лочин видоси”)

Биз юқорида паралингвистик воситаларнинг айримлари, уларнинг бадиий асар тилида қўлланиши ҳақида қисқача фикр юритдик. Зеро, паралингвистик воситаларнинг бадиий матнда тутган ўрнини аниқлаш бадиий асар тилини ўрганиш, ёзувчи индивидуал услубини, унинг нолисоний воситалардан фойдаланиш маҳоратини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. Ўқув услубий қўлланма – Наманган, 2005. 116-б

2.Нурмонов А. Танланган асарлар.2- жилд –Т.: 2012. 215-б

3.Сафаров Ш., Тоирова Г., Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамДЧТИ нашри, 2007. Б.34.

4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. -Т.: Фан, -1966. 179-б

5.Ўзбек тилининг изоҳли луғати.2-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-672 б.

6.Ҳожиёв А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 168 б.